




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

**2019 йил II чорак**



Тошкент 2019 й.

## МУНДАРИЖА

<b>ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>3</b>
<b>СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
I. Сўров иштирокчилари таркиби .....	10
II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари .....	11
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари .....	14
IV. Инфляцион кутилмалар .....	16
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари .....	20
VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари .....	22
VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати .....	23
VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар .....	25

## ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

*Иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларни аниқлаш бўйича ўтказилган сўровлар натижаларига кўра жорий йилнинг II чорагида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари апрелдаги пасайишидан сўнг ошиш трендини ҳосил қилди, ўрта муддатли кутилмалари эса сезиларли ўзгаришларсиз аввалги даражасида сақланиб қолди.*

*Хусусан, респондентларнинг январь-апрелдаги кутилмалари пасайишига қарамасдан, май-июнъ давомида қисқа муддатли кутилмаларида ҳавотирлик кузатилди. Ўрта муддатли истиқболда эса респондентларининг аксарияти инфляцияни аввалги даражада сақланиб қолишини тахмин қилишмоқда.*

*Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан миллий валюта алмашув курсининг қадрсизланиши, иш ҳақларининг ошиши, ҳамда 2019 йилнинг иккинчи ярим йиллигида коммунал хизматлар нархларининг оширилиши мумкинлиги иқтисодиётдаги нархлар ўсишига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қайд этилди. Шунингдек, респондентлар жавобларида ўрта муддатли инфляцион кутилмаларга солиқ базасининг кенгайтирилиши таъсирни сақланиб қолиши кўрсатилган.*

*Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида, миллий валютанинг қадрсизланиши 2,7 фоизга тенг бўлганлигига қарамасдан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари кутилмаларининг ушбу омилга таъсирчанлиги юқорилигича сақланиб қолмоқда.*

*Жорий йилнинг II чораги мобайнида аҳоли томонидан келгуси 12 ойга кутилаётган инфляциянинг миқдорий кўрсаткичлари ўсуви тенденцияга эга бўлган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари пасаювчи тенденцияни ҳосил қилди. Бу эса ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётдаги нархлар барқарорлигига бўлган ишонч бизнес вакилларида юқорироқлигини кўрсатмоқда.*

### **Сезилган инфляция даражаси**


Умуман олганда, жорий йилнинг январь-апрель ойларида сезилган инфляция индексининг қатъий пасайишидан сўнг май-июнъ ойларида ўсиш кузатилди.

Жорий йилнинг июнь ойи охирига келиб, жисмоний шахслар томонидан сезилган инфляция индекси 559 бандгача (март ойига нисбатан 30 бандга ўсиш), юридик шахслар индекси эса 523 бандгача (32 бандга) кўтарилди (1-расм).


1-расм

### Сезилган инфляция индекси динамикаси

а) аҳоли



б) тадбиркорлик субъектлари



Хусусан, 2019 йилнинг II чорагида аҳоли орасида "нархлар сезиларли даражада ошди" жавобини белгилаганларнинг улуши ошиб (март ойида 10 фоиздан июнь ойида 15 фоизгача) ва "нархлар ўзгармади" жавобини белгилаганларнинг улуши (март ойида 25 фоиздан июнь ойида 19 фоизгача) қисқарди. Шунингдек, "нархлар аввалгидек ошди" ҳамда "бироз ошди" жавобини белгилаган респондентлар улуши апрель-май ойларидаги ўсишдан кейин, июнь ойи охирига келиб жорий йилнинг март ойидаги кўрсаткичига қайтди (6-расм).

Мазкур давр мобайнида иқтисодиётдаги нархлар ўсишига асосий омиллар сифатида миллий валютанинг кадрсизланиши (аҳолининг 57 фоизи ва тадбиркорлик субъектларининг 60 фоизи), иш ҳақи ҳамда пенсия тўловларининг ўсиши (аҳолининг 47 фоизи ва тадбиркорлик субъектларининг 43 фоизи) қайд этилди (13-расм).

Таъкидлаш жоизки, II чорак охирига келиб, аҳоли томонидан сезилган инфляцион кутилмаларга мавсумий омилларнинг таъсири сезиларли даражада камайди. Хусусан, ўтган чоракда помидор ҳамда


бодринг нархлари сезиларли даражада ошди деб кўрсатган сўров иштирокчиларининг улуши 17 фоиз бандга (I чоракдаги 51 фоиздан II чоракда 34 фоизгача) қисқарди. Респондентларнинг 46 фоизи (ўтган чоракка нисбатан 10 фоиз бандга кўпроқ) апрель-июнь ойлари давомида нархи юқори даражада ошган маҳсулот сифатида гўштни қайд этди (11-расм). Бундан ташқари, I чоракка нисбатан, кўпроқ респондентлар сабзи ва пиёз нархлари сезиларли ошди деб таъкидлаган бўлса, аксинча, тухум, нон, тамаки ва алкагол маҳсулотларини қайд этилиши нисбатан камроқ бўлди.

### **Инфляцион кутилмалар**

Аҳоли ҳамда корхоналарнинг қисқа муддатли кутилмалари май-июнь ойларида ошиши кузатилди, бу қисқа муддатли истиқболда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг аввалдан эълон қилинган июнь ойида энергия ресурсларининг нархлари ошиши (кейинчалик кечиктирилди), шунингдек, иш ҳақи ва пенсия тўловларининг кутилаётган навбатдаги индексацияси бўйича ҳавотирлари сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

2-расм

### **Қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индекси динамикаси**



Хусусан, 2019 йилнинг июнида, жисмоний шахсларнинг қисқа муддатли (келгуси ойга) инфляцион кутилмалари индекси мартга нисбатан 14 бандга ошган бўлса, юридик шахсларнинг кутилмалари ошиши 49 бандни ташкил қилди (2-расм). Респондентларнинг фикрига


кўра, миллий валютанинг қадрсизланиши, иш ҳақи ва пенсия ҳамда энергия ресурслари тарифларининг ошиши бўйича тахминлари II чоракда инфляцион кутилмаларнинг ошишига асосий омиллар сифатида келтирилди. Шу билан бирга, респондентларнинг жавобларига кўра, солиқ базасидаги ўзгартиришларнинг инфляцион кутилмаларига таъсири апрель-июнь ойларида ҳам давом этди.

2019 йилнинг II чорагида ўрта муддатли инфляцион кутилмаларда (келгуси 12 ойга) сезиларли ўзгаришлар кузатилмади.

Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кутилмалар индексларида бироз пасайиш кузатилди (мартга нисбатан мос равишка 6 ва 25 бандга) ва июнь ойига келиб 675 банд ва 676 бандни ташкил этган ҳолда нисбатан юқори даражада сақланиб қолди (3-расм).

3-расм

### Ўрта муддатли инфляцион кутилмалар индекси динамикаси



Ушбу даврда, жисмоний ҳамда юридик шахслар орасида ўрта муддатли истиқболда нархлар "юқори даражада ошади" деб кутаётган респондентларнинг улуши мос равишка 23 ва 22 фоизгача ошди (мартга нисбатан ҳар бири 5 фоиз бандга ошган) (15 ва 17-расм). Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида нархлар "аввалги даражада" ошишини кутаётганлар улуши мос равишка 34 ва 38 фоизгача (мартга нисбатан 9 ва 14 фоиз бандга) қисқарди.

Респондентларнинг жавобларига кўра, 2019 йилнинг II чорагида аҳолининг 57 фоизи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг 62 фоизи томонидан ўрта муддатли истиқболдаги нархлар ошишига асосий омил сифатида миллий валютанинг қадрсизланиши келтирилган. Қайд этиш лозимки, ушбу фикрдаги респондентлар улуши жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан жисмоний шахслар орасида 6 фоиз бандга ҳамда юридик шахсларда 1 фоиз бандга қисқарган. Шу билан бирга, инфляция ошишининг бошқа омиллари сифтида иш ҳақи ҳамда пенсия тўловларининг оширилишини кўрсатган респондентларнинг улуши аҳоли орасида 46 фоизни ҳамда бизнес вакиллари орасида 43 фоизни ташкил этди (жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан мос равишда 3 ва 1 фоиз бандга ўсди) (19 ва 20-расмлар).


Шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг I ва II чоракларида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари қисқа муддатли кутилмаларига нисбатан юкори даражада бўлди, бу ўз навбатида ўрта муддатли истиқболда респондентларда нархлар даражаси бўйича ноаниқликлар мавжудлигини англатади.

2019 йилнинг II чораги охирида, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ой учун кутаётган инфляциянинг миқдорий кўрсаткичи 14-15 фоизни ташкил этди (4-расм).

4-расм

#### Сезилган ва кутилаётган инфляция динамикаси

(медиана усули бўйича ҳисоб-китоблар, фоизда)



Хусусан, аҳоли кутилмаларининг ўртача тортилган кўрсаткичи секин ўсуви трендни ҳосил қилди. Хусусан, I чорақда 16,8 фоиздан апрель охирига 14,3 фоизгача сезиларли пасайишдан сўнг, II чорак охирига келиб кутилмалар 15 фоизгача кўтарилди.

Шунингдек, 2019 йилнинг II чорагида тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларининг миқдорий кўрсаткичлари пасаюви трендни ташкил этди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари апрелда 14,4 фоизга тенг бўлган бўлса, июнь ойи охирига келиб 13,9 фоизгача пасайди.

Бироқ, июнь охирида, аввалги чораклардан фарқли, респондентлар томонидан баҳоланган инфляцион кутилмалар даражаси сезилган инфляция даражасидан юқори бўлди. Бу эса ўз навбатида, келгусидаги нархлар ошиши билан боғлиқ тахминларида ҳавотирлар мавжудлигини англаради.

### **Иқтисодиётдаги кутилмалар**

Сўров натижаларига кўра, II чорақда аҳолининг даромадлари ҳамда харид қилиш қобилияти ошишда давом этди. Респондентларнинг аксарияти (78%) аввалги 12 ой давомида даромадлари ўсганини қайд этди (21-а расм).

Сўровда "даромадим билан нархлар бир хил ошди" ҳамда "даромадим нархларга нисбатан кўпроқ ошди" жавобларини белгилаган респондентларнинг улуши 6 фоиз бандга ошиб 43 фоизни ташкил этди. "Даромадим нархларга нисбатан камроқ ошди" ёки "даромадим ошмади лекин нархлар ошди" жавобларини танлаганларнинг улуши 7 фоиз бандга камайиб 53 фоизга тенг бўлди (21-б расм).

Респондентларнинг келгусидаги даромадлари ошиши билан боғлиқ бўлган кутилмалари юқорилади. Хусусан, респондентларнинг 48 фоизи даромадининг ўсиши инфляция даражасида ёки ундан юқори бўлишини тахмин қилмоқда (22-расм).

Шу билан бирга, жорий йилнинг II чорагида иш ҳақининг 10-20 фоизга ошишини тахмин қилаётган тадбиркорларнинг улуши 13 фоиз бандга қисқариб июнда 45 фоизни ташкил этган бўлса, 20-30 фоизга ошишини кутаётганларнинг улуши 7 фоиз бандга ошиб 21 фоизга тенг бўлди (30-расм).

Ўрта муддатли истиқболда даромадлар ошиши бўйича кутилмаларнинг юқори даражада сақланиши харид қобилиятига ўз

таъсирини кўрсатишини давом этади ҳамда инфляцион босимнинг ошишига ҳисса қўшади.

Мазкур даврда респондентларнинг жамғарма кайфиятида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Хусусан респондентларнинг 45 фоизи ўз жамғармаларини тадбиркорликка йўналтиришни мақсад қилган бўлса, 27 фоизи қисман ишлатиш ва қисман сақлаб қўйиш ниятида эканлигини билдириди (23-расм).

Шунингдек, ўз жамғармасини тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитига жойлаштиришни афзал кўрган респондентларнинг улуши ортди. Хусусан, жорий йилнинг II чорагида, жамғармаларини миллий валютада депозитга жойлаштиришни маъқул кўрган респондентларнинг улуши 3 фоиз бандга қисқариб 29 фоиз бўлган бўлса, аксинча жамғармаларини хорижий валютада депозитга жойлаштиришни афзал кўрганларнинг улуши 4 фоиз бандга ошиб 16 фоизни ташкил этди (24-расм). Таъкидлаш жоизки, миллий валюта айирбошлаш курсининг олдинги йилги тенденциясига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилиши аҳолининг жамғарма кайфиятига ўз таъсирини кўрсатди.

Сўров қатнашчиларининг айирбошлаш курси бўйича кутилмалари миллий валюта курсининг келажақдаги тебранишлари бўйича ноаниқликлар шароитида шаклланди. Жорий йилнинг охирига аҳолининг айирбошлаш курси бўйича кутилмалари июнда марта нисбатан деярли ўзгаришсиз 1 АҚШ доллари учун 8 729 сўмга тенг бўлган бўлса, тадбиркорлар кутилмалари 112 сўмга кўтарилиб 8 768 сўмга етди (31-расм).

Жорий йилнинг II чорагида, кредити мавжуд респондентларнинг улуши ўтган чоракка нисбатан 9 фоиз бандга ошиб, 62 фоизни ташкил этди. Хусусан, жорий йилнинг июнида, ипотека кредити бор респондентлар улуши 16 фоизга етган бўлса, автокредит ҳамда истеъмол кредитлари мавжудлигини қайд этган респондентларнинг улуши ҳар бири 14 фоизга тенг бўлди (25-расм).

Шу билан бирга, июнда респондентларнинг 21 фоизи автомобил кредитидан фойдаланиш ниятида эканлигини билдирган бўлса, 17 фоизи эса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит олишни мақсад қилган. Шунингдек, истеъмол кредитидан фойдаланишни истаганлар улуши 15 фоизгача камайди (28-расм).

## СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ


<b>Усул</b>	Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
<b>Жами иштирокчилар (ҳар ой)</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 900 нафар жисмоний шахслар ва 375 та юридик шахслар
<b>Даврийлиги</b>	Ойма-ой
<b>Сўров ўтказилган муддат</b>	2019 йил II чорак

### I. Сўров иштирокчилари таркиби


*5-расм*

#### *Сўров респондентларининг фаолият соҳаси*

##### *а) жисмоний шахслар*



##### *б) юридик шахслар*





## II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

6-расм

#### Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?



Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



7-расм


#### Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




**А) Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**Б) Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция**

Медиана усулида ҳисобланган ўртacha баҳо, фоиздаги




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

9-расм

**Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



10-расм

**Сизнинг фикрингиизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўровда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




### III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

#### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

11-расм

**Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охирги ойда юқори даражада ошиди?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



#### Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

12-расм

**Сизнинг кузатувларингизга кўра қайси омиллар июнь ойида маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир қилди?**



**Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

**А) Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**



**Б) Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**




## IV. Инфляцион кутилмалар

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

#### **Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


**Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши**



15-расм

#### **Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?**

**Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши**




## Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

16-расм

### Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



17-расм

### Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?



Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



## Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?



### A) Жисмоний шахслар

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



### B) Юридик шахслар

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



19-расм

**Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлади?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

	2019m1	2019m2	2019m3	2019m4	2019m5	2019m6	2019q1	2019q2
Доллар курсининг ошиши	67	63	57	65	51	56	63	57
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	44	43	43	41	52	45	43	46
Энергия ресурслари ва коммунал хизматла	50	50	53	44	36	30	51	37
Мавсумий омиллар	19	19	21	19	19	23	20	20
Солиқ юкининг оширилиши	41	47	45	40	21	20	44	27
Экспорт ҳажмининг ошиши	24	23	24	25	12	16	24	18
Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши	13	14	17	18	14	16	15	16
Транспорт харажатлари ошиши	38	33	34	27	19	13	35	20
Айрим товарлар импорти чекланиши	14	12	10	13	11	12	12	12
Рақобат мұхитининг ёмонлашиши	9	12	12	14	10	10	11	11

**Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**

20-расм

**Сизнинг кутилмаларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар келгуси 12 ойда юқори даражада ошади?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

	2019m1	2019m2	2019m3	2019m4	2019m5	2019m6	2019q1	2019q2
Доллар курсининг ошиши	71	65	53	61	65	60	63	62
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	42	40	46	35	51	43	42	43
Солиқ юкининг оширилиши	59	51	51	42	38	35	54	38
Энергия ресурслари ва коммунал хизматла	55	59	50	47	51	32	55	43
Транспорт харажатлари ошиши	38	40	38	34	27	25	39	28
Мавсумий омиллар	21	18	20	20	20	22	20	21
Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши	14	13	15	14	14	13	14	14
Рақобат мұхитининг ёмонлашиши	13	16	13	14	15	11	14	13
Экспорт ҳажмининг ошиши	20	17	18	18	13	8	18	13
Айрим товарлар импорти чекланиши	13	14	13	7	13	7	13	9


## V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари

21-расм

**Охирги 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгардими?**


### A) Даромадлар ўзгариши

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




### B) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




**Келгуси 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгарадими?****А) Даромадлар ўзгариши**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**Б) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари

23-расм

**Агар Сизда жамғармангиз бўлганда уни қандай ишлатишни хохлаган бўлардингиз?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



24-расм

**Нима деб ўйлайсиз ҳозирги вақтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган маъқул?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



## VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати

25-расм

**Бугунги кунда сизда жорий банк кредити борми (тўлов муддати тугалланмаган)? Агар бўлса, қайси турдаги кредит (кредитлар)?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



26-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгараради?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



27-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?**


Медиана усулида ҳисобланган ўртача баҳо, фоизда



28-расм

**Келгуси 12 ойда сиз ёки оила аъзоларингиз кредит ҳисобидан буюмлар харид қилишни ёки банк кредити олишини мўлжаллаяпсизми?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



29-расм

**Келгуси бир йил давомида айнан қайси кредит (кредитлар) туридан (турларидан) фойдаланмоқчисиз?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




### VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

30-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



31-расм

**Сизнинг фикрингизча 2019 йил июнъ охирида сўмниг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?**


Белгиланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати (сўмда)



32-расм

**Сизнинг фикрингизча 2019 йил охирида сўмниг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси қанча бўлади?**

Белгиланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати (сўмда)



© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2019

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланган.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуидаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: [bhamraev@cbu.uz](mailto:bhamraev@cbu.uz)

Тел.: (+998) 71 212-60-22